

## Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг

### 13-моддаси бўйича МАХСУС КЎРСАТМА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.07.2020 йилдаги “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6019-Фармони билан 2020-2024 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланган.

Йўл харитасининг 1-бандида *Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини олдини олиш тизимидан рақобатни ҳимоя қилишда қонун бузилишларини олдиндан йўл қўймаслик (профилактик) тизимига ўтишни назарда тутувчи “ақлли” монополияга қарши тартибга солишнинг прогрессив моделини яратиш чора тадбири* белгиланган.

Ушбу тадбирни амалга ошириш механизмидан бири 1.2-бандда белгиланган *Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини олдини олишда махсус кўрсатмаларни (guidelines) ишлаб чиққан ҳолда тушунтиришлар бериш институтидан фойдаланишни кенгайтиришидир.*

Мазкур топшириқ ижроси сифатида Нохалол рақобатга чек қўйиш бошқармаси Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддаси бузилишини олдини олиш мақсадида қуйидаги тушунтиришларни ишлаб чиқди.

**Р.С. Шунини айтиш жоизки, ушбу моддада кўрсатилган таъқиқланган ҳолатлар хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан ва улар бир-бирига рақобатчи бўлган, яъни айнан бир товар бозорида фаолият юритган тақдирда тадбиқ қилинади.** Томонлар рақобатчи бўлмаганда ёки улардан бири жисмоний шахс бўлган ҳолатлар суд орқали ҳал этилади.

Нохалол рақобат ҳолати иштирокчиларига нисбатан қўйилган бундай “чегаравий” талаб Қонуннинг 4-моддасидаги тушунчаларда келтирилган бўлиб, унга кўра:

*рақобат, бу - хўжалик юритувчи субъектларнинг (рақобатчиларнинг) мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустақил ҳаракатлари улардан ҳар бирининг товар ёки молия бозоридаги товар муомаласининг умумий шарт-шароитларига бир томонлама тартибда таъсир кўрсатиш имкониятини истисно этади ёки чеклайди;*

*хўжалик юритувчи субъект, бу - товарларни ишлаб чиқариш, олиш ва реализация қилиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахс, шу жумладан, чет эллик юридик шахс, хўжалик бошқаруви органи, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркор.*

**Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддаси билан Инсофсиз рақобат таъқиқланади.**

Шу жумладан:

- бошқа хўжалик юритувчи субъектга зарар келтириши ёки унинг ишчанлик обрўсига путур етказиши мумкин бўлган нотўғри таққослашлар. Бунда хўжалик юритувчи субъектнинг товарини холисона тасдиққа эга бўлган тавсифларни ёки таққослаш параметрларини кўрсатмаган ҳолда товарнинг устунлиги ҳақида таассурот ҳосил қилувчи сўзлардан ёки белгилардан фойдаланиш орқали бошқа хўжалик юритувчи субъектнинг (рақобатчининг) ўзга товари билан таққослаш ёхуд кўрсатилган сўзларни ёки белгиларни ўз ичига олган тасдиқлар ёлғон, ноаниқ бўлган ёки бузиб кўрсатилган ҳоллар нотўғри таққослашдир;

- юридик шахснинг интеллектуал фаолияти натижаларидан ва уларга тенглаштирилган индивидуаллаштириш воситаларидан, товарни индивидуаллаштириш воситаларидан қонунга хилоф равишда фойдаланилган ҳолда товарни реализация қилиш, шу жумладан товарни хўжалик юритувчи субъектнинг (рақобатчининг) товар белгисига, фирма номига ўхшаш бўлган ёхуд адаштириб юбориш даражасида у билан ўхшаш бўлган белгидан уни товарларда, этикеткаларда, ўровларда жойлаштириш йўли билан ёки

сотилаётган ёхуд фуқаролик муомаласига ўзгача тарзда киритилаётган товарларга нисбатан товар белгисидан бошқача тарзда фойдаланиш йўли билан, шунингдек ушбу белгидан домен номида фойдаланиш орқали қонунга хилоф равишда фойдаланилган ҳолда реализация қилиш;

- товарнинг хусусияти, ишлаб чиқарилиш усули ва жойи, истеъмол хоссалари, нархи, сифати, ишлаб чиқарувчининг (бажарувчининг) қафолат мажбуриятлари хусусида истеъмолчиларни чалғитиш,

- хўжалик юритувчи субъект (рақобатчи) томонидан фуқаролик муомаласига киритиладиган товарни унинг ташқи безатилиши ва шаклини, номини, тамғаланишини, этикеткасини, ўровини, ранглар уйғунлигини, товар белгисини такрорлаш,

- реклама материалларидан ёки хўжалик юритувчи субъектнинг (рақобатчининг) товарини индивидуаллаштирувчи бошқа элементлардан нусха кўчириш орқали қалбакилаштириш;

- фан-техникага, ишлаб чиқаришга ёки савдога оид ахборотни, шу жумладан, тижорат сирини эгасининг розилигисиз олиш, ундан фойдаланиш, уни ошкор этиш;

- товар ёки молия бозорига бошқа хўжалик юритувчи субъектнинг киришига тўсик қўйиш тақиқланади.

Юридик шахсни индивидуаллаштириш воситаларига, товарни индивидуаллаштириш воситаларига бўлган мутлақ ҳуқуқни олиш, шунингдек хўжалик юритувчи субъект (рақобатчи) томонидан аввал фуқаролик муомаласига киритилган товарга нисбатан белги билан айнан ўхшаш ёки адаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлган товар белгисини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ инсофсиз рақобатга йўл қўйилмайди.

Монополияга қарши органнинг ушбу модда иккинчи қисмининг товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқни олиш хусусидаги қоидалари бузилганлигини эътироф этиш тўғрисида чиқарган қарори товар белгисига ҳуқуқий муҳофаза бериш ҳақидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш учун манфаатдор шахс томонидан интеллектуал мулк бўйича ваколатли органга ёки судга юборилади.

13-модда бўйича ишлаб чиқилган тушунтиришда модданинг биринчи ва иккинчи қисмларда кўрсатилган инсофсиз рақобат ҳолатларининг ҳар бири алоҳида очиб кўрсатилган. Жумладан:

**1-қисм, иккинчи хатбоши:**

*бошқа хўжалик юритувчи субъектга зарар келтириши ёки унинг ишчанлик обрўсига путур етказиши мумкин бўлган нотўғри таққослашлар. Бунда хўжалик юритувчи субъектнинг товарини холисона тасдиққа эга бўлган тавсифларни ёки таққослаш параметрларини кўрсатмаган ҳолда товарнинг устунлиги ҳақида таассурот ҳосил қилувчи сўзлардан ёки белгилардан фойдаланиш орқали бошқа хўжалик юритувчи субъектнинг (рақобатчининг) ўзга товари билан таққослаш ёхуд кўрсатилган сўзларни ёки белгиларни ўз ичига олган тасдиқлар ёлгон, ноаниқ бўлган ёки бузиб кўрсатилган ҳоллар нотўғри таққослашдир.*

Инсофсиз рақобатнинг бу кўриниши турли ҳолатларда намоён бўлади.

Масалан, хўжалик юритувчи субъект ўз товарини (маҳсулотини, ишини, хизматини) таққослаш параметрларини кўрсатмаган ҳолда “энг яхши”, “1-рақамли”, “ягона” ва шундай маънони берувчи бошқа сўзлар билан эътироф этиши ёки рақобатчисининг товари тўғрисидаги камситувчи ёки нотўғри таққосланган маълумотларни дўконларнинг пештахтасида, товарнинг ўрамида, кутисида, реклама материалларида, оммавий-ахборот воситаларидаги мақолаларда, хат-ҳужжатларда ва х.к. жойлаштирилиши кабилар.

Бундай ҳолатда, хўжалик юритувчи субъект юқорида келтирилган эътироф ва маълумотлар билан рақобатчининг товарини турли кўринишда камситиши ёки нотўғри таққослаши орқали истеъмолчиларда ўзининг шу турдаги товарига нисбатан устунликка эга бўлишга, рақобатчининг товарига нисбатан эса истеъмолчиларда ишончсизлик пайдо бўлишига ҳаракат қилади. Натижада истеъмолчиларда товар ёки унинг тайёрловчиси

хусусида ёлгон ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган тасаввур ҳосил бўлиши мумкин.

### **1-қисм, учинчи хатбоши:**

*юридик шахснинг интеллектуал фаолияти натижаларидан ва уларга тенглаштирилган индивидуаллаштириш воситаларидан, товарни индивидуаллаштириш воситаларидан қонунга хилоф равишда фойдаланилган ҳолда товарни реализация қилиш, шу жумладан товарни хўжалик юритувчи субъектнинг (рақобатчининг) товар белгисига, фирма номига ўхшаш бўлган ёхуд адаштириб юбориш даражасида у билан ўхшаш бўлган белгидан уни товарларда, этикеткаларда, ўровларда жойлаштириш йўли билан ёки сотилаётган ёхуд фуқаролик муомаласига ўзгача тарзда киритилаётган товарларга нисбатан товар белгисидан бошқача тарзда фойдаланиш йўли билан, шунингдек ушбу белгидан домен номида фойдаланиш орқали қонунга хилоф равишда фойдаланилган ҳолда реализация қилиш.*

Юридик шахснинг интеллектуал фаолияти натижаларига ва уларга тенглаштирилган индивидуаллаштириш воситаларига, товарни индивидуаллаштириш воситаларига куйидагилар киради:

1) интеллектуал фаолият натижалари:

-фан, адабиёт ва санъат асарлари;

-ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари;

-электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базалари;

-ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари;

-селекция ютуқлари;

-ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау);

2) фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар:

фирма номлари;

товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);

товарлар чиқарилган жой номи;

3) ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар.

Кўришиб турибдики, бу хатбошидаги ҳолатлар кенг қамровлидир. Амалиётда шундай ҳолатлар учайдики, баъзида мурожаат битта интеллектуал фаолияти натижаси тўғрисида бўлиши мумкин, баъзида эса битта мурожаатда уларнинг бир нечтаси жамланган бўлади, жумладан ҳам товар белгиси, ҳам саноат намунаси, ҳам фирма номи. Умуман олганда бундай мурожаатлар ҳар бир ҳолат бўйича айнан шу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларидаги талаблардан келиб чиқиб кўрилади.

Айтиш жойизки, тегишли қонунчиликларда интеллектуал фаолияти натижаларига бўлган ҳуқуқлардан бошқа шахслар қонуний йўл билан фойдаланишлари мумкинлиги белгилаб қўйилган. Шу билан бирга ушбу қонунчиликларда мутлақ ҳуқуқни бузиш деб эътироф этиладиган ҳолатлар ҳам белгилаб қўйилган. Жумладан, товар белгиси бўйича - *товар белгисини ёки шу белги билан белгиланган товарни рухсат берилмаган тарзда тайёрлаш, қўллаш, олиб кириш, савдога тақлиф этиш, сотиш, ўзгача тарзда фуқаролик муомаласига киритиш ёки уларни шу мақсадда сақлаш ёхуд улар билан адаштириб юборадиган даражада айнан ўхшаш бўлган бир хилдаги товарларни белгилаш товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқни бузиш деб эътироф этилади*, фирма номлари бўйича – *фирма номидан ноқонуний фойдаланиш фирма номига бўлган мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши деб эътироф этилади*, саноат намунаси бўйича - *агар маҳсулотда патент берилган саноат намунасининг муҳим белгилари мажмуи бўлса, у патентланган саноат намунасидан фойдаланилган ҳолда тайёрланган деб эътироф этилади*. Шунингдек, фирма номлари

*билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган домен номини рўйхатдан ўтказиш ҳам таъқиқланади.*

Бундай ишларни кўриб чиқишда хўжалик юритувчи субъект ўз товарларида, домен номида фойдаланаётган белги унинг рақобатчисининг товар белгисига, фирма номига адаштириб юбориш даражасида ўхшаш ёки ўхшаш эмаслигини, маҳсулотни патентланган саноат намунасида фойдаланган ҳолда тайёрланган ёки тайёрланмаганлигини аниқлаш учун тегишли эксперт хулосалари олинади.

Биринчи қисмнинг учинчи хатбошида келтирилган қонунбузилиш ҳолатлари истеъмолчиларни товар ёки унинг тайёрловчиси хусусида чалғитишга, истеъмолчида шу товарлар битта ишлаб чиқарувчига қарашли деган қатъий тасаввур пайдо бўлишига шароит яратади.

#### **1-қисм, тўртинчи хатбоши:**

*- товарнинг хусусияти, ишлаб чиқарилиш усули ва жойи, истеъмол хоссалари, нархи, сифати, ишлаб чиқарувчининг (бажарувчининг) кафолат мажбуриятлари хусусида истеъмолчиларни чалғитиш, хўжалик юритувчи субъект (рақобатчи) томонидан фуқаролик муомаласига киритиладиган товарни унинг ташқи безатилиши ва шаклини, номини, тамгаланишини, этикеткасини, ўровини, ранглар уйғунлигини, товар белгисини такрорлаш, реклама материалларидан ёки хўжалик юритувчи субъектнинг (рақобатчининг) товарини индивидуаллаштирувчи бошқа элементлардан нусха кўчириш орқали қалбакилаштириш.*

Бу хатбошидаги қалбакилаштириш ҳолатлари уч қисмга бўлинган, яъни товарда истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган маълумотларнинг мавжудлиги, хўжалик юритувчи субъект ўз товарини рақобатчисининг муомалада бўлган товарига ўхшаган ҳолда фуқаролик муомаласига киритиши, рақобатчи товарининг реклама материалларидан, товарни индивидуаллаштирувчи бошқа элементлардан нусха кўчириш.

Товарнинг хусусияти, ишлаб чиқарилиш усули ва жойи, истеъмол хоссалари, нархи, сифати, ишлаб чиқарувчининг (бажарувчининг) кафолат мажбуриятлари хусусида истеъмолчиларни чалғитиш ҳолати бўйича мурожаатларни кўриб чиқишда кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги, ҳақиқатга тўғри келиши уларни тасдиқловчи ҳужжатларга асосланган ҳолда текширилади, масалан, товар ҳақиқатда эга бўлмаган хусусиятларни мавжуд деб кўрсатилиши, маҳсулотни ишлаб чиқаришда асосланмаган тарзда эксклюзив технологиядан фойдаланилган деб кўрсатилиши, ишлаб чиқарилиш усули, жойи, истеъмол хоссалари тўғрисида ишончли маълумот берилганлиги ва ҳоказо.

Хўжалик юритувчи субъект ўз товарини рақобатчисининг муомалада бўлган товарига ўхшаган ҳолда фуқаролик муомаласига киритилганлиги бўйича мурожаатларни кўриб чиқишда эса аввало ушбу белгиларнинг ўхшаш ёки ўхшаш эмаслиги тўғрисида эксперт хулосалари керак бўлади. Товарлар кўриниши ўхшаш деб топилган тақдирда рақобатчи товарининг фуқаролик муомаласига киритилганлик даври масаласи ўрганилади. Агар рақобатчи товари фуқаролик муомаласига аввал киритилганлиги исботланса янги маҳсулотни фуқаролик муомаласига киритаётган хўжалик юритувчи субъект ноҳалол рақобатга йўл кўйган деб эътироф этилади.

Реклама материалларидан ёки хўжалик юритувчи субъектнинг (рақобатчининг) товарини индивидуаллаштирувчи бошқа элементлардан нусха кўчирилганлик ҳолатлари ушбу ҳолатларни исботловчи далилларга асосланиб чиқарилади.

Ушбу қонунбузилиш ҳолатлари истеъмолчиларни товар ёки унинг тайёрловчиси хусусида чалғитишга, истеъмолчида шу товарлар битта ишлаб чиқарувчига қарашли деган қатъий тасаввур пайдо бўлишига, бошқа хўжалик юритувчи субъектга зарар келтиришига ёки унинг ишчанлик обрўсига путур етказилишига шароит яратади.

#### **1-қисм, бешинчи хатбоши:**

*- фан-техникага, ишлаб чиқаришга ёки савдога оид ахборотни, шу жумладан, тижорат сирини эгасининг розилигисиз олиш, ундан фойдаланиш, уни ошкор этиш.*

Бу ҳолатларга йўл қўймаслик бўйича мажбуриятлар томонлар ўртасида тузиладиган шартномаларда кўрсатилиши лозим. Фан-техникага, ишлаб чиқаришга ёки савдога оид ахборотни, шу жумладан, тижорат сиридан фойдаланиш, уни ошкор этиш фақатгина эгасининг розилиги асосида амалга оширилиши мумкин. Акс ҳолда, инсофсиз рақобат ҳолати сифатидан эътироф этилади.

### **1-қисм, олтинчи хатбоши:**

*- товар ёки молия бозорига бошқа хўжалик юритувчи субъектнинг киришига тўсиқ қўйиш таъқиқланади.*

Баъзи хорижий ишлаб чиқарувчилар Ўзбекистон ҳудудида маълум бир товар белгисини рўйхатдан ўтказди, лекин ўзи ундан амалда фойдаланмайди. Бу билан маҳсулотларини шунга ўхшаш белги билан номлаган бошқа ишлаб чиқарувчини товар бозорига киришига тўсиқ қўйилади.

Ёки аксинча, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар хорижий ишлаб чиқарувчилар товарларининг товар белгиларини ўз номларига товар белги сифатида рўйхатдан ўтказиш йўли билан кейинчалик хорижий ишлаб чиқарувчилар товарларини мазкур товар бозорига киришига тўсиқ қўйиш.

### **2-қисм:**

*Юридик шахсни индивидуаллаштириш воситаларига, товарни индивидуаллаштириш воситаларига бўлган мутлақ ҳуқуқни олиш, шунингдек хўжалик юритувчи субъект (рақобатчи) томонидан аввал фуқаролик муомаласига киритилган товарга нисбатан белги билан айнан ўхшаш ёки адаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлган товар белгисини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ инсофсиз рақобатга йўл қўйилмайди.*

Бу ҳолатда хўжалик юритувчи субъект ўзи фойдаланаётган белгисига қонуний ҳуқуққа эга бўлмайди, лекин ушбу белги остидаги маҳсулотини рақобатчи уни товар белгиси сифатида қонуний рўйхатдан ўтказишидан аввал фуқаролик муомаласига киритганини расмий ҳужжатлар билан исботлаши зарур бўлади. Бундай ҳужжатларга айнан ушбу белги остида савдога чиқарилган товарнинг счет-фактуралари, товар етказиб бериш бўйича тузилган шартномалар, божхона декларация каби ҳужжатлар киради. Шунинг таъкидлаш керакки, инсофсиз рақобат ҳолати ўз тасдиғини топган тақдирда, хўжалик юритувчи субъект монополияга қарши органнинг қарори билан рақобатчисининг товар белгисини рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини бекор қилиш учун Интеллектуал мулк Агентлигига мурожаат қилади.

13-модданинг барча ҳолатлари бўйича чиқарилган монополияга қарши органнинг қарорлардан норози бўлган иш иштирокчилари уларни бекор қилиш тўғрисида Қўмигага ёки ноқонуний деб топиш тўғрисида маъмурий судларга мурожаат қилишга ҳақли.